




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1986 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сий газетаси

№ 98 (9.136)

1998 йил

21 август, жума

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан



ИСТИҚЛОЛ ҚОШОНАЛАРИ

Тўққизинчи ҳикоя

Шаҳримизда шарқона услубда қуриётган баланд каватли уйлар катори жаҳон андозаларига мос, замонавий осмонубор бинолар ҳам ярашади. Улар ўзига миллий манфаатларимиз мезонини муҳассам этган. Zero бундан етти йил муқаддам худди мана шундай бинолар ҳақида фақат хаёс қилиб қўя қолар эдик. Энди, энди киска фурсат ичида қад ростлаган ана шу жаҳон андозаларига мос бинолар юртимиз раънакига хизмат қилмоқда.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг бинолари фикримиз далилидир. Бу биноларнинг ташқи томонига назар ташлаган инсон, унинг ички қисми қандай экан, деган ҳавас билан боқиши табиий ҳол. Шу боис биз ҳам экинчи Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг янги биносига сарҳат қилдик.

Био фойесининг ўнг ва чап томонидagi аркалардан ўрин олган икки улуғ зот Соҳибқирон Амир Темур ва Мирзо Улуғбек боболаримизга кўзингиз тушади. Гўё улар банк соҳасида иш юритаётганларга омад тилаётгандек.

Тоғ бағридан ёриб чиққан булок ва оқаётган шаршара, ён-бағирлардаги анвойи гуллар боболар даврининг сўлим шошохларини эслатади.

Бу био ўзида замонавий меъморчиликнинг энг сўнгги ютуқларини муҳассам этган. Шунинг учун ҳам биз жаҳон андозаларига тўла мос келадиган деяр оламиз. Йигирма икки каватдан иборат бўлган бинонинг ҳар бир каватида илғор электрон алоқа, телефон, компьютер тармоқлари, музокара олиб бориладиган катта ва кичик хоналар, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш хоналари мавжуд.

Бош бинода юқори малакали, ёш, ётуқ мутахассислар мингдан ортиқ энг йирик муносабатларга хизмат кўрсатади.

— Кўп йиллик орзуларимизнинг дебосасига ўтган йили январь ойида эришдик, — дейди кўчмас мулк ва

капитал қурилиш бўлими бошлиғи Қобил Каримов. — Чунки био қурилишида Туркиянинг «Айсель» фирмаси ҳамда банк қошидаги 250 кишидан иборат қурилиш ташкилотининг меҳнати салмоқлидир. Биз қурувчилар лойиҳачиларимизнинг ҳар бир кўрсатмасини меъёрида ва ўз вақтида бажара олганимиз учун ҳам бўлса керак шундай улуғ шарафга эришиб турибмиз. Йўлбошимиз Ислам Каримовнинг биномизга ташрифи ва ютуқ-камчиликлар тўғрисидаги қимматли маслаҳатлари бизларга дастуриламал бўлаётди.

Яқин вақт ичида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан ўзида шарқона меъморчилик услубларини қўллаган аждодларнинг санъат галереяси қурилиши бошланади. Бу галерея Сайилгоҳ кўчаси ёнидан жой олади. Унда томошабин учун ҳар томонлама қулай шароитлар мавжуд бўлади. Шунингдек банкнинг яна бир биноси шаҳримизда, Қарши ва Қўқонда қад ростлайди. Ёилдирсой ва Юсуфхонада эса замонавий лойиҳага асосланган меҳмонхоналар, банк асосида учун ҳам муқташам био қад ростлайди.

Бир сўз билан айтганда давр талаби асосида иш юритаётган, жаҳон андозасига мос, келажакимиз ворида бўлган, замонавий билимларни пухта эгаллаган, хорижий тилларни мукамал билладиган ёшларнинг меҳнат қилишлари катта замирати бўлади. Бу эса мустақил элимизнинг салоҳиятини юксакларга кўтариш учун хизмат қилади.

Гулзода АБДУЛЛА қизи.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

КЕЧА

Биринчи чакирм халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов очди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларига Тошкент шаҳридан номзодларни тавсия этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари сессияда Тошкент шаҳар ҳокимининг бир неча қарорини тасдиқладилар.

Сессияда шунингдек, ташкилий масалалар ҳам кўрилди.

Шу билан биринчи чакирм халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тўққизинчи сессияси ўз ишчи-ни хирюсига етказди.

Хабарингиз борми?



КЕЧА

Тошкент шаҳар ҳокими Козим Носирович Тўлаганов жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда, Олимпия ҳаракатини юксалтиришдаги хизматлари учун Халқаро олимпия кўмитасининг махсус соврини билан мукофотланди. Биз ана шу воқеани Ўзбекистон миллий олимпия кўмитасининг президенти Соҳибқирон Соҳибович Рўзиевдан шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

ХИЗМАТЛАРИГА ЯРАША МУКОФОТ

— Халқаро олимпия кўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч сўнгги бир ярим йил ичида уч марта мамлакатимизга ташриф буюрди ва ҳар гал Ўзбекистонда ва унинг пойтахти Тошкентда узоқ муддат бўлди. Жаноб Самаранчга бизнинг мамлакатимиз, бизнинг одамларимиз жуда ҳам ёқадди. Унинг тан олишича, у Тошкентни нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг юраги деб ҳисоблайди. Албатта, ўз ташрифлари пайтида Халқаро олимпия кўмитасининг президенти республикамизда спорт қандай суратлар ва тезкорлик билан юксалиб бораётганлигига ўз эътиборини қаратди. Ана шундан келиб чиқиб Халқаро олимпия кўмитаси махсус совринни тасвир этди ва уни бизнинг миллий кўмитамизга йўллади. Бу махсус соврин билан спортни ва олимпия ҳаракатини юксалтиришга катта ҳисса қўшган кишилар тақдирланадилар. Ана шу муносабат билан Миллий олимпия кўмитасининг ижроия кўмитаси йиғилишида илк юксак совринни пойтахт ҳокими Козим Носирович Тўлагановга беришга ақдидил қилган қарор қилинди. Хўш, нима боисдан айнан унга? Бунинг боиси шундаки, ҳеч ким кейинги етти йил мобайнида Ўзбекистон пойтахтида спортни юксалтириш борасида жуда ҳам кўп ишлар қилинганлиги инкор қилмас керак. Бу борада амалга оширилган жуда кўпгина ишлар ана шу инсоннинг номи билан боғлангандир. Ҳозир бизнинг Тошкентимиз энг ранг-баранг нуфузли мусобақалар ўтказадиган масканга айланиб қолди. Катта миқдордаги спорт иншоотлари ва аҳоли учун оммавий соғломлаштириш тадбирлари ўтказадиган жойлар кўпайгандан кўпайди. Бир сўз билан айтганда Козим Тўлагановнинг бу борадаги хизматлари кўзга аққол ташлашиб турибди. Шу боисдан олиб қараганда Халқаро олимпия кўмитасининг Тошкент шаҳар ҳокимига топширган бу махсус соврини ана шу фойдаси инсоннинг амалга оширган ишларига берилган муносиб баҳодир.

(Ўз муҳбиримиз).

СУРАТДА: Халқаро олимпия кўмитасининг махсус соврини.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Тошкент шаҳар назорат инспекциясида

ТЕЛЕФОНЛАР ҲАР ДОИМ СОЗЛАНГАН БЎЛСИН

Тошкент шаҳар ҳокимлигида назорат инспекциясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва ҳукуматининг тегишли қарорларининг бажарилиши қандай бораётганлиги текшируви натижалари, шунингдек очик турдаги «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамиятида ижро интизомининг ахволи қараб чиқилди.

Мажлисда шу нарса таъкидланди, текширув пайтида республика Президентининг молиявий интизомини мустаҳкамлашга қаратилган Фармонларнинг бажарилиши бўйича жиддий қоидабузарликлар ва нуқсонлар аниқланди.

1998 йилнинг 1 июлига акциядорлик жамияти бўйича дебиторлик қарзи 495,5 миллион сўмни, шу жумладан муддатли ўтиб кетган қарзлар 127,1 миллион сўмни ташкил этганлиги аниқланди.

Жумладан, Марказий филиал бўйича муддатли ўтиб кетган дебиторлик қарзи 34,316,8 минг сўмни, Миробод филиали бўйича 17,787 минг сўмни, Янгиобод филиали бўйича 12,760,9 минг сўмни ташкил этди.

Моддий бойликларнинг сақланиши юзасидан қатъий ҳисоб ва назоратнинг йўқлиги ва касса интизомига риоя қилинамаслиги оқибатида умумий қиймати 188,970,7 сўм бўлган молиявий қоидабузарликлар фактлари аниқланди.

Танлаш йўли билан ўтказилган текширув чоғида қолдиқ товар-моддий бойликларнинг 97,873,9 сўмлик қамомоди, шунингдек, 82,655,8 сўм ортиқча моддий бойликлар борлиги

аниқланди. Жумладан, Мирзо Улуғбек телефон тармоғи бўйича 50 минг сўмдан зиёд қийматдаги, Марказий филиал бўйича эса 25 минг сўмдан зиёд қийматдаги молиявий қоидабузарликлар аниқланди.

Мажлисда шу нарса ҳам таъкидландики, шаҳарда телефонлар ўрнатилишга навбатда турганларнинг миқдори 80 минг кишидан ортиқни ташкил этаётганлигига қарама-қарши айрим филиалларнинг раҳбарлари автомат-телефон станцияларининг мавжуд бўлган монтаж қувватидан отарила даражада фойдаланмаётганлиги аниқланди.

Шу билан бир қаторда айрим филиалларда фуқароларнинг бундан 15 йил ва ундан ҳам кўпроқ муддат олдин берган аризалари ётибди. Биргина Янгиобод филиалда бундай аризалар 700 га яқини, Марказий филиалда эса 100 дан зиёдни ташкил этди.

Текшириш жараёнида яна линияларнинг шикастланиши миқдори ошганлиги ва уларни бартараф этишга сарфланётган вақт кўпайганлиги фактлари ҳам аниқланди.

Ўтган йили ҳаммаси бўлиб шаҳар бўйича 480 мингдан зиёд шикастланишларга йўл қўйилди, уларга барҳам бериш учун эса назоратдан ортиқча вақт сарфланди.

Жорий йилнинг фақат биринчи яримда ўтган йилнинг ана шу даври билан солиштирилганда шикастланишлар сони 177 мингдан кўпроққа ошди, уларга барҳам бериш учун назоратдан ташқари вақт 1,6 бараварга кўпайди.

Пойтахт аҳолисининг алоқа тармоқлари ҳодимлари шағнага расмийлаштирилган ва шикоятлари қилиш пайтидаги сансалорлик, сифатсиз алоқа, ҳеч қандай сабабсиз телефонларнинг ўчириб қўйилганлиги юзасидан билдираётган ҳақли эътирозлари мавжуд.

Назорат инспекциясининг мажлисида ана шу қоидабузарликлар ва нуқсонлар айрим раҳбарларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришга соғломлик билан муносабатда бўлганликлари оқибатида рўй берганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қабул қилинган қарорда очик турдаги «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти раҳбариятига текширув натижаларини қараб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва ҳукуматининг тегишли қарорларини бажарилиши таъминламаган раҳбарларни жавобгарликка тортиш топширилди.

Марказий ва Мирзо Улуғбек филиаллари бўйича текширув материаллари прокуратура органларига топширилди.

Мажлиси Тошкент шаҳар ҳокимининг уринбосари — назорат инспекциясининг раҳбари Б. Камолов олиб борди.



Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ҲАРАКАТЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

КЕЧА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш шаҳар комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда асосан иккита масала — мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотда ҳайдовчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича олиб бориладиган ишлар ҳамда болалар иштирокида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси олиб бораётган ишларнинг

натижалари ва қурилатган чора-тадбирлар тўғрисида сўз борди.

Маъмур йиғилишида сўзга чиққанлар «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли шахримиздаги 13 та ўқув масканларининг аҳоли ва ундаги айрим камчиликлар, шунингдек болалар иштирокида содир этилаётган транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида атрофлича тўхталдилар.

Хусусан, тарбия ва таълим муассасаларида тарбияланётган болалар ўртасида қизқарли машғуллотлар, кўргазмалар, ёзма ишлар, альбомлар, рефератлар, буклетлар, бурчак-

лар, деворий газеталар тайёрлаш, кўрик-танловлар ўтказиш, ДАН ҳодимлари билан савол-жавоблар ва амалий-назорий семинарларни тез-тез ўтказиб туриш лозимлиги алоҳида ўқиб турибди.

Шунингдек, шаҳримизнинг ҳар бир туманларида автошаҳарчалар ташкил этиши барча туман ҳокими уринбосарлари зиммасига юклатилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи уринбосари, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг раиси Адхамжон Миржалилов олиб борди.

Ўзбекистон миллий кураш жаҳон бўйлаб тан олинмоқда — шу йилнинг 6 сентябрь кунин «Юнусов» спорт мажмуасида Ўзбекистон Президентининг сўнгги халқаро мусобақалар ўтказилиши бўлиб ўтди. Республика Президентининг ташаббуси билан Ўзбекистон миллий кураш федерацияси ва республика жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси бошчилигида илк бор ўтказилаётган ушбу турнир орқали Ўзбекистон миллий спорт тури биринчи марта халқаро миқёсга чиқди.

КЕЧА

Спорт журналистлари иштирокида Ўзбекистон Президентининг сўнгги

ушбу миллий кураш бўйича халқаро мусобақаларга бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг раиси Б. Махситов, республика миллий кураш федерацияси раисининг уринбосари А. Тўйчибековлар турнирга қўрилатган таъйириларни, унда иштирок этидиган курашчилар ва мусобақа қоидалари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди.

Шуниси эътиборга молики, июнь ойида Францияда бўлиб ўтган дуюдо

бўйича Европа конгрессида иштирокчиларга ушбу турнирни ташкил этишга бағишланган ва у қўлаб-қувватланди. Сўнг кўпгина мамлакатларга уларнинг чиқишлари учун миллий курашнинг усуллари, қоидалари акс эттирилган видеоасмалар ва китобчалар юборилди.

Мусобақа шартлари шундан иборатки, унда 80 килограммдан юқори вазирга эга курашчилар якка голиблик учун беллашдилар. Бухорода кураш қоидалари асос қилиб олинган халқаро турнирда Эстония, Венгрия, Англия, Польша, АҚШ, Босния, Боливия, Испания, Голландия, Россия, Беларуссия каби узоқ ва яқин хориж, Марказий Осиё республикаларининг оғир вазндаги олимпиядалар, жаҳон чемпиналари, нуфузли халқаро мусобақаларнинг голиби ва совриндорлари иштирок этиш истагини билдиридилар. Саралаш мусобақалари ўтказилганидан сўнг қолган юртимизнинг энг кучли полвонлари эса ҳозир Қиёрий спорт мажмуасида турнирга қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Мусобақа голиблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнгги хабарларида 10 минг АҚШ доллари миқдоридagi мукофот, «Оникс» хиссадорлик жамиятида тайёрланган махсус Кубок ва бошқа қimmatбахо совғалар билан тақдирланадилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ.



БУГУНГИ КҲ НАФАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик ҳамда консуллик ваколатхоналари вакиллари учун ўтказилган семинар иштирокчилари билан учрашди. Учрашув пайтида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ташқи сийсий ҳамда иқтисодий фаолиятининг узоқ муддатли стратегияси ҳамда концепциясига алоҳида тўхталди.

Япониянинг «Марубени» компанияси директори ва транспорт дивизиони бош менежери Нортисюгу Ватанабе раҳбарлигидаги делегация аъзоларининг Вазирлар Маҳкамасидаги бўлиб ўтган учрашувдаги мулоқот чоғида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси билан «Марубени» компанияси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасидаги масалалар юзасидан фикр алмашилди. Учрашув сўнггида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси билан «Марубени» компанияси ўртасида Тошкентда вагон таъмирлаш заводини қуриш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Гулистонда республика хотин-қизлар кўмитаси ва Конрад Аденауэр жамағамаси томонидан уюштирилган «Ойла ва жамият» мавзусидаги семинар-кеңаш ўтказилди.

Миллий ахборот агентлигининг брифинглар залида «Конституция — миллий мустақиллик асоси» мавзусида очик мулоқот бўлиб ўтди.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизни эъзозлаб «Хотира хийбони» ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Вилоят марказида қад ростлабди мазкур мажмуа лойиҳаси учун танлов эълон қилинди.

«Урганчшароб» хиссадорлик жамияти Германиянинг «Негема» фирмасини сотиб олди. Бир миллион бир юз йигирма етти минг марка баҳосидаги фирма харажатларини тезда қоллаш кўзда тутилмоқда. Бу фирмада соатига олти минг шиша ичимлик ишлаб чиқариш мумкин. Маҳсулотнинг 60 фоизини хорижга чиқариш мўлжалланмоқда.

Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси «Шифокор ва ҳаёт» янги газетасининг муассиси бўлди.

Бухоронинг марказий хийбонида қовун байрами ўтказилди. Унда виллоятнинг барча туманларидан келган дехқонлар ўз маҳсулотларини намойиш қилдилар.

ЖАҲОНДА

Россия рублининг қиймати борган сари тушиб кетмоқда, импорт товарлари нархи эса кўтарилмоқда. Россия Марказий банкнинг раиси С. Дубинин август ойининг ўзидагина Марказий банк рублининг қийматини ушлаб туриш учун 4 миллиардга яқин доллар сарфланганлигини тан олди.

Кеча Душанбеда Россия—Тожикистон музокаралари якуни бўйича Афғонистондаги вазият муносабати билан қўша баёни имзоланди. Унда қўшни мамлакатда тинчлик жараёнини бошлаш учун ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги изҳор этилди. Бироқ унда МДХ мамлакатларининг коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномасига мувофиқ томонлар ўз миллий манфаатлари ва хавфсизлигини сақлаш бўйича барча зарур чора-тадбирларни қўлаш ҳуқуқини сақлаб қолиши айтилди.

Бугун Россия Думасининг фавкулудда мажлиси ўтказилди. Унда ҳукуматнинг молиявий инқироздан қилиш дастури тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш мўлжалланмоқда.

АҚШ сенатори Ричард Лугар эртага Украина пойтахтига келади. У Украина Президенти Леонид Кучма, ташқи ишлар вазири Борис Тарасюк ва мудофаа маҳкамасининг раҳбари Александр Кузьмук билан учрашади.

Иордания қироли Хусайн ҳукуматни тузиш ва тарқатиш буюриш ҳуқуқини шахзода Ҳасанга бериш тўғрисидаги фармонга имзо çekди. У ўзида халқаро битимларини имзолаш ва конституцияга ўзгартириш киритиш ҳуқуқларини сақлаб қолди. Маълумки, Хусайн лимфоба касаллигига қаллигани боисидан шу йилнинг 14 июлидан буюн АҚШда даволанмоқда.

Куба раҳбари Фидель Кастро Доминикан Республикасига ташриф билан жўнаб кетди. Маълумки, Куба шу йилнинг апрель ойидан бошлаб бу республика билан дипломатик муносабатларни ўрнатган эди.

Жаҳон ахборот агентликларининг хабарларига кўра, Конго Демократик Республикасига Президент Л. Кабилини қўлаб-қувватлаш учун хорижий жангчилар кела бошлади.

Колумбияда ҳукумат армияси билан партизан отрядлари ўртасида яна тўқнашув бўлди. 9 киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳар икки томондан ҳам жароҳатланганлар бўлишига қарамай ҳеч ким бу ҳусусда аниқ маълумот бермаяпти.

Шимолӣ Корея ўтган йили олтин экспорт қилишни беш баравардан зиёд қўпайтирди. Шимолӣ Корея олтинининг асосий харидори Сянгандир. Унга 14,9 тонна қimmatбахо металл етказиб берилди.

Грозний шаҳрида рус шашкаси бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Унда Америка ва Англия шашкачилари қатнашаётганлар. Бунинг боиси Чеченистонда ўз хавфсизликлари сақланишига ишончининг йўқлигидир.

Президент сўврини учун

МИЛЛИЙ КУРАШ ИМИЗИНИ ДУНЁ ТАН ОЛМОҚДА

Ушбу миллий кураш бўйича халқаро мусобақаларга бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг раиси Б. Махситов, республика миллий кураш федерацияси раисининг уринбосари А. Тўйчибековлар турнирга қўрилатган таъйириларни, унда иштирок этидиган курашчилар ва мусобақа қоидалари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди.

Шуниси эътиборга молики, июнь ойида Францияда бўлиб ўтган дуюдо

бўйича Европа конгрессида иштирокчиларга ушбу турнирни ташкил этишга бағишланган ва у қўлаб-қувватланди. Сўнг кўпгина мамлакатларга уларнинг чиқишлари учун миллий курашнинг усуллари, қоидалари акс эттирилган видеоасмалар ва китобчалар юборилди.

Мусобақа шартлари шундан иборатки, унда 80 килограммдан юқори вазирга эга курашчилар якка голиблик учун беллашдилар. Бухорода кураш қоидалари асос қилиб олинган халқаро турнирда Эстония, Венгрия, Англия, Польша, АҚШ, Босния, Боливия, Испания, Голландия, Россия, Беларуссия каби узоқ ва яқин хориж, Марказий Осиё республикаларининг оғир вазндаги олимпиядалар, жаҳон чемпиналари, нуфузли халқаро мусобақаларнинг голиби ва совриндорлари иштирок этиш истагини билдиридилар. Саралаш мусобақалари ўтказилганидан сўнг қолган юртимизнинг энг кучли полвонлари эса ҳозир Қиёрий спорт мажмуасида турнирга қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Мусобақа голиблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнгги хабарларида 10 минг АҚШ доллари миқдоридagi мукофот, «Оникс» хиссадорлик жамиятида тайёрланган махсус Кубок ва бошқа қimmatбахо совғалар билан тақдирланадилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ.



Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан ИСТИҚЛОЛ ОДАМЛАР ТАҚДИРИДА

Янги қувончлару яхши муваффақиятлар билан Мустақиллигимизнинг 7 йиллик тўйи тантаналари тобора яқинлашмоқда. Барча соҳа ходимлари бу кунни ўзига хос орзиқиш, қалбларда фахр ва ифтихор туйғулари билан нишонлаш тараддудиде меҳнат қилишмоқда. Шундай қутлуғ воқеа арафасида ўз иш жойларида меҳнат ютуқларига эришаётган илгорлар билан суҳбатлашиб, Мустақиллик берган имкониятлар ҳақида фикр алмашиб ҳам гоят мароқлидир. Уларнинг дил изҳорларини бир эшитиб кўринг-чи...

БАРАКАЛИ МЕХНАТГА УНДАЙДИ

Манзура МИРЗАКУЛОВА, тўқувчи, «Дўстлик» ордени соҳиби:
— Тошкент тўқимачилик комбинати ҳиссдорлик жамиятида меҳнат қилаётганимга ҳам 10 йилдан ошди. Мен меҳнат қилаётган 1-тўқув цехида Россиядан келтирилган замонавий — энли матолар ишлаб чиқаришга ихтисослашган дастгоҳлар ўрнатилган. Менинг ўзим 12 та дастгоҳни бошқараман. Цехимизда ҳам сурп, «Роҳат» сингари матолар ишлаб чиқарилади. Мустақиллигимиз шарофати билан корхонамиз ҳиссдорлик жамиятига айлантирилган, барча ишчи-хизматчиларимизнинг мулкка муносабатлари ижобий томонга ўзгарди. Энди биз ўз корхонамизнинг ҳақиқий эгаси эканлигимизни чуқур англай бошладик.

Цехимизда 200 дан ортиқ тўқувчи меҳнат қилади. Асосий мақсадимиз харидор талабини чуқур ўрганиб, сифатли, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Мен шундан фахрланаманки, биз тўқиган матолар хорижда чет элларда ҳам ўз харидорига эга. Ўйи ҳамдўстлик мамлакатлари, Япония ҳамда Америка Қўшма Штатларида ҳам экспорт қилаётганимиздан мамнунмиз. Бу, албатта Мустақиллик берган буюк неъматдир. Чунки ўзбек аёлининг меҳнаткаш қўлилари излари хорижда ҳам ўзини намойён қилмоқда.

Мен касбимдан ҳар қанча фахрлансам арзийди. Ўтган йили — Мустақиллигимизнинг 6 йиллиги кунларида Президентимизнинг Фармонларига кўра «Дўстлик» ордени билан тақдирланганларимни мени юрт равнақи йўлида ҳар қанча баракали ишларга қорламоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА эзиб олди.

1998 — Олпа йил

ТОТУВЛИККА НИМА ЕТСИН

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Тошкентбўй Ғуломбоев билан суҳбатимиз анча мароқли бўлди.

— 1967 йилдан бери шу ерда яшаб келаман, — дейди у шинамгина хонадонига ишора қилиб. — Дехқончилик яхши кўрганам учун олдинги тўқимачилик комбинатида саккиз йил боғбонлик қилдим. Кейин туман ободончилик бошқармасида ишлай бошладим. Турмуш ўртоғим ҳам шу бошқармада узоқ йиллардан бери хизмат қилади.

— **Фарзандларингиз кўпми?**
— Худога шукр, тўртта фарзандим бор. Рус-там, Акрам, Алишер, Муҳаббат. Ўғилларни уйлантириб, уйли-жойли қилиб, қизимни турмушга чиқарганман. Олти нафар набирман бор.

— **Келинлар ҳам ишлашади?**
Катта келинимиз Гулнораҳон ҳамшира; Нози-маҳон иқтисодчи, кенжаси Нилуфархон боғчада тарбиячи.

— **Сир бўлмаса, фарзандларингиз қанча маош олади? Келинлар-чи? Уларни қандай тақсимлайсиз?**

— Оиламизда дадаси мен, уч ўғлим, жами 20.000 сўм маош оламиз, — дейди уй бекаси Меҳрихон ая. — Шу жамғармадан 4-5 минг сўминини фарзандларим эҳтиёжига бераман. 2-3 минг сўми «қора кассага» тушади. Қолгани уй-рўзгорга сарфланади. Келинлар ҳам ўртача 12-13 минг сўмча маош оладилар. Келинларнинг жамғармалари алоҳида йиғилиб, ўзлари-га, орзу-ҳавасларига, фарзандларига сарфланади. Уйимиздаги баракот ҳам шундан бўлса керак, деб ўйлайман. Дадасининг сўзи ҳаммамиз учун қонун. Ўттиз бир йилдан бери уйимиздан тик этган товуш чиққан эмас. Бунинг устига уйда бекорчи одам йўқ; ҳаммамиз ишли, режаларимиз. Дадаси ишдан келиб ҳам тинчи-майди. Бир пайла чой ичадиларми, ё йўқми дарров маҳаллага чиқиб кетадилар. Маҳаллада омиборчилар. Тўй-маъракаи-ни ҳамма асбоб-анжомлари шу кишининг бўйнида. Наврўз, Мустақиллик байрамларида-ю ширин

Маъмура РЎЗИЕВА.

ОНА ПОЙТАХТ, ЖОНУ ДИЛИМ ТОШКЕНТИМ, ЮРТИМНИНГ КЎКСИДА ГУЛИМ ТОШКЕНТИМ!



Она шахримдан олисда бўлиб қолсам, бир гап қулоғимга тез-тез чалинади:
— Тошкентда бўлганмисиз?
— Эй, Тошкентда бўлмасан, дунёни кўрмабсан. Бутун ҳаётинг қайноғи ўша ерда. Буки иморатлар, буки кўчалар, буки уйлар қурилаяпти, вай-буй, оғзингиз очилиб қолади...

Тошкент!
Неча-неча асрлардан бери Шарқда машъал бўлиб яшаб келаётган шаҳар! Кўёшнинг нурию, элларнинг меҳридан сайқал топган шаҳар! Озод, хур мамлакатимнинг бағрида худди Чўлпон юлдуздек ярқираб турган пойтахтим! Сени демай бўлурму, сени севмай бўлурму!

Сенинг ўт юраки бир фарзандинг Хайридин Салоҳ ўзининг қасидасида ёзган эди:

Сенку мен бўлмасам яшайверасан,

Аммо мен, аммо мен яшолман сенсиз!

Бу сатрлар ҳар бир тошкентликнинг дил тубидаги сўзларидир. Чиндан ҳам сенинг ҳозирги қиёфанинг кўрган, жамолингни кўрган одам қаерда бўлса ҳам соғинмай илоҳи йўқ.

Бундан ўн-ун беш йиллар аввал «Шаҳар ўзининг миллий қиёфасини йўқотаяпти» дегувчилар кўп эди. Истиқлолнинг етти йилда жамолинг шу даражада ойдинлашдики меҳмон бўлиб келганлар аэропортида самолётдан, вокзалда поезддан тушган заҳоти сенинг Ўзбекистон пойтахти Тошкент эканлигига амин бўладилар.

Бағриндаги қайси бир гўзалликни гапирай: Темирийлар тарихи давлат музейини-ми? «Туркистон» саройини-ми? Хадрадаги оқ гиштли иморатларини-ми? Теннис уйингоҳини-ми? Кенг, раво кўчаларини-ми? Илҳомга тўлиб, булбулинг бўлиб қуйлагим келади, Тошкент!

Ҳар қимнинг ўз юлдузи бор, Чўлпон юлдузини,

Ҳар қимнинг қўшиғи бор, энг ширини

Ғиштинг қўйдим қўлим билан, севдим

чин дилим билан

Қадим-қадимдан қолган бир ривоят бор. Олис ўлкаларга сафар ихтиёр этган кишидан сўрабдилар:

— **Эй, биродари азиз, Самарқандни кўрганмисиз?**

— **Ҳа, — дебди сайёҳ ва Самарқанд таърифини қила кетибди.**

— **Бўлди! — дейишди унга. — шундоқ улуг шаҳарни кўрган экансиз, бизнинг шаҳарни макташ жонз эмас. Айтинг-чи, Бухорои Шарифда бўлганмисиз?**

— **Ҳа, — дебди сайёҳ ва Бухоронинг обидаларини, Мир-араб мадрасасини таърифлаб кетибди.**

— **Бўлди, бас! — дейишди яна унга. — шундоқ улуг шаҳарда таҳсил олган экансиз, илму ҳикмат бобида сиз билан баҳслашишга ҳожат йўқ. Айтинг-чи, Тошкентни кўрганмисиз?**

— **Ой! — дебди сайёҳ ва Тошкентни таърифлаб кетибди. Унинг иморатларини, анжорларини, гулбоқчаларини кўчаларини оғзиндан бол томиб тасвирлабди.**

— **Бўлди! — дейишди унга. — Тошкентнинг сувидадан тотиган экансиз, сизнинг лутфингиздек ширин лутф, сизнинг қалбингиздан очик қалб йўқлигига ишонаман. Яна ишонаманки бир кўп-лам ичганингиз зилол сув сизни хамиша ўзига қорлаб туради.**

Алалхусус сайёҳ ўзининг таърифидан ўзи завқланиб Тошкентга қайтган экан...

Опоқ ойдин йўлим билан, бағринда изим

Тошкент.

Шаҳарлар кўп, ўзинг танҳо, ўзинг асло,

Севар мен каби доимо ўғил

билан қизинг Тошкент.

Ҳилол тўймас жамолингга, боқиб қадду

жамолингга,

Бу оламда иқболимсан, ярақлаган

юзим Тошкент!

Тарихдан маълум, юз йиллардан бери Эски шаҳар қисмини (Эски жува деб ҳам аталади) хунармандлару мохирларнинг макони ҳисобланса ҳам уй-жойларга қараб хижил тортарди одам. Торгина йўлақлар, торгина кўчалар, торгина ҳовиллар. Неча ўнлаб хонадонларга қуёш теғмасди, теғрасидан шамол ўтмасди. Бугун ўша тор кўчаларни бир кўринг: Форобийо Сағбон кафтерек текис. Машиналар худди денгизда сузгандек раво юради. Асрий орзулари бўлган троллейбуслар-эй! Лекин менинг гап бошлаганимга сабаб бу эмас.

Уша алмисокдан қолган уйлар бузилди. Кўп қаватли, айтишимиз, таъкидлашимиз керак, шарқона кенг, ёруқ кўп қаватли уйларга қўлган ҳамшаҳарларимизнинг бағрига шамол теғди. Асомов кўчасидаги, Беруний майдонидаги уйларни кўриб, қалбингга бир илиқлик теккандек бўлади. Шундоққина Форобий ва Сағбон кўчалари муолишида пишққ-ғишдан қад кўтарайтган уйларга кўзингиз тушгандир! Шуларнинг ҳаммаси Эски шаҳарликлар учун.

Дунёда йўл солган, уй қурганнинг муроди-ни яратган эгам берак экан. Шунинг учун ҳам отахонларимиз, онахонларимиз қурувчиларимизни дуо қилиб: «Муродингни Оллоҳ берсин» дейишмоқда.

Мурод нима ўзи? Яшашдан мақсад элга келтирган манфаатми? Шундай экан истиқлолимиз ўз муродида етгапти: халқ учун унинг, фаровонлиги учун, бахту саодати учун яшайапти.

Келажакка юз тутган шаҳар



Пешонанинг ёруғлиги шуъладандир, Истиқлолнинг қанотлари тиллоландир, Истиқлолнинг қанотида бахтинг келади, Қошоналар ичра қутлуғ тахтинг келади. Бунёдкорлар қучоғини боғ айлади. Етти йилда етмиш баҳор яшадиган сен, Келажакка аял одим ташладинг сен, Ҳар гўшада яратилишнинг шавқи баланд, Шундоқ, элим, халқимнинг ҳа, завқи баланд. Анжорингда зилол сувлар шарқирайди. Хўжа Аҳрор мадрасаси яқинлайди. Тошкент, бахтинг қучоғида энтикасан, Энтикасан, истиқболга кўз тикасан.

Эски шаҳарнинг бугун оти қолди, холос. Эски шаҳар бугун Эски Жува бозорининг улкан гўмбазиде аксланади. Қатор жойлашган хунармандлар растасининг ранго ранг жило-лариде Эски шаҳарни кўрасиз. Қурилайтган коттежлар, кўп қаватли уйлар, маҳалаларнинг гўзал гузарларида эски шаҳар деган ном. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилдаги қарориде Эски шаҳарнинг бундан ҳам гўзал бўлиши, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш кўзда тутилган.

«Эски шаҳар ёшаради!» Не ажаб, яна бир неча йил ўтар, янги туғилган невараларимизни етаклаб: «Мана шу ерларда пасткам, эски уйлар бўларди» деб ҳикоя айтармиз.

«Унутилган ўзлики топиш мушкул, лекин ўзликини унутмаслик керак» деган экан бир донишманд. Мен эса ўтган кўнлар хотиралари — келажакнинг сабоқлари, дегим келади. Шаҳримизни янада гўзал қилиш сизу бизга, меҳнаткаш қўлларимизга боғлиқ дегим келади.

Яна шундай дегим келади: Устоз Шайхзода «Тошкентнома» достонида ёзган эдилар:

Умр ўтқинчидир, шаҳарлар боқий!

Умр ўтқинчилиги бор гап. Сен эса кун сайин яшариб боқий тургил, кўзу қароғим Тошкентим! Бағриндаги қайноқ нафас, яшаш ва яратиш ишқи хамиша гуруллаб ёниб турсин.

Ғолиб МИРЗО.

Рустам Шарипов олган суратлар.



Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университети илмий ишлар бўйича проректори, геология-минералогия фанлари доктори, профессор Хожиақбар Тўйчиев билан суҳбат.

— **Хожиақбар Абдурасулович, айти пайтда ТошДУда қанча аспирант ва докторантлар тайёрланмоқда?**

— Университетимизда 300 дан ортиқ аспирант ва 53 та докторант илмий ишлар олиб боришмоқда. Ёш олимларимиз фаннинг кўп тармоқларида ўз амалий ишларини олиб бориб ҳозирги кунда бизнинг давлатимизнинг иқтисодий шароитидан келиб чиққан ҳолда ижодларини амалда татбиқ қилиш масаласига катта аҳамият бериб, изланишяпти.

— **Аспирант ва докторантларнинг асосий мақсади битта: улар ҳам фан, техникани илмий ишлари билан маълум бир тараққиётга кўтаришга ҳизмат қиладилар. Ёш олимларнинг илмий ишларидаги янгиликлар, ўзгаришлар ва тараққиёт силсилалари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

— Ўқув юртимизда аспирант ва

докторантларга алоҳида имкониятлар яратилган. Биринчидан — уларга чет элга бориб келишлари учун шароит мавжуд. Иккинчидан стипендияларга қўшимча рағбатлантириш мукофотлари қўшиб берилар.

— **Ёш олимларга шунчалик имконият яратиб берилган экан, энди улар олиб бораётган илмий ишларини самараси қандай бўлаяпти?**

— Илмий ишларнинг натижаси жуда ҳам яхши, деб билсак бўлади. Бу ўринда илмий ишлардан мисол келтириб ўтсак. Республикада крахмал етиштириб чиқариш йўлга қўйилмаган. Бизнинг олимларимиз ердада крахмал етиштириб чиқариш йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда 2 тоннадан 10 тоннагача етиштирилаяпти. Мана бу бизнинг олим-



ларимиз қилаётган ишларидир. Биологларимизнинг ишларидан мисол келтирадиган бўлсак, улар стила деган ўсимликни иқлимлаштириш устида иш олиб бормоқдалар. Ҳозирги кунда бунга жуда катта аҳамият берилаяпти. Сабаби бунинг ширалиги ўзимизнинг шаҳар ширалигидан 350 маротаба ортиқ. Бунинг ўзбекистон шароитида ишлаб чиқариш жуда катта фойда келтиради. Бунинг биринчидан табибёт ҳақида ишлатиш мумкин. Иккинчидан истеъмол учун шаҳарнинг ўрнига ишлатиш мумкин.

— **ТошДУ кўпроқ қайси соҳага ихтисослашган мутахассислар етиштириб берапти?**

— Университет микёсида қарайдиган бўлсак бизда аспирант ва докторантлар кўпроқ кимё, физика, математика, биология, география ва бошқа соҳаларда ҳам бор.

— **Илмий ишларнинг тадбири бозор иқтисодиёти шароитида бу соҳага қилинаётган қаражатларнинг қопланишига эмас, балки олинадиган даромади**

тўғрисида ҳам гапирса бўлар?

— Университетимизда аспирант ва докторантларнинг олиб бораётган илмий ишлари натижасида физика ва химияга боғлиқ янгиликларни яратиш, экологик нормативларни кашф этиш, янгидан-янги доривор ўсимликлар устида иш олиб боришни ўзи ҳаражатдан келажакда даромад устун келишини таъминлайди. Ҳозирги кунда экономика соҳасида ҳам аспирант ва докторантлар иш олиб боришяпти. Бу йўналишда ҳам ёш олимларимиз ишларини эконоимик структурага қаратилган.

— **Юқорида бевосита илмий ишлар йўналиши ислохотлар ҳақида гапириб ўтдингиз. Энди келажак режалар хусусида ҳам гапириб ўтсангиз.**

— Бу йил аспирантурага ва докторантурага жами 164 та иқтидорли ёшларни жалб қиламиз. Бу университетимизнинг кўп тармоқлари бўйича жумладан, геология, математика, кимё, физика, биология, география ва бошқа йўналишлар бўйича аспирант ва докторант қабул қилиш мўлжалланган. Барча университет ва таъшилотлардаги ёшларни бизнинг аспирантурага кириб ўқишларини маслаҳат берамиз.

Файзулла ЭШКУЛОВ.

Хаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўзларининг яхши фазилатлари — меҳрибонлиги, фидойилиги, ширинсўзлиги, виждонлиги, диёнатлиги билан ёру биродарлари, узок-яқинлари қалбида яшаб қолади. Уни бир пайла чой устида ҳамisha хотирлайдилар, яхши фазилатларидан ибрат оладилар. Бугун сизга ҳикоя қилмоқчи бўганимиз Меҳмон Хўжаев ана шундай инсонлар сирасидан эди.

Георгий Саркисовнинг «Йигирма асрнинг йигирма йили» китобида куйидаги сатрлар бор: «Сувсоз» трести тизими раҳбари Меҳмон Эшонович Хўжаевни тилга олмасдан иложим йўқ. Тошкент фарзанди бўлган бу инсон оддий техникликдан трест бошқарувчисигача бўлган йўлни босиб ўтди, ўз севган ишига 38 йил умрини бағишлади... У ниҳоятда меҳнаткаш, ўз касбининг юқори малакали устаси эди».

— Мен 1960 йилдан то 1981 йилгача Меҳмон Эшонович билан бирга ишладим, — деб ҳикоя қилди меҳнат фахрийси Фахрор Махидов. — Биласиз, шаҳар ҳаётида сув, айниқса, ичимлик сувининг аҳамияти жуда ҳам катта. 1966 йилги зилзилага қадар шахримизда сувга танқислик унча сезилмасди. Зилзиладан кейин Тошкент юксак суръатлар билан кенгайди. Аҳоли ҳам кўпайди. Меҳмон ака шундай шароитда «Сувсоз» трестига раҳбарлик қиларди. «Хар бир одамнинг уйда сув бўлсин» унинг шiori эди.

Меҳмон ака ниҳоятда жонкуяр инсон эди, ғамхўр раҳбар эди. Шаҳар тараққиётининг сув билан боғлиқлигини жуда кўп уқтирар

эди бизларга. Олмоста, Киев сув-созлари билан мусобақадор эдик. Улар «Меҳмон акадек раҳбаринг-бар», деб бизга ҳавас қилишарди.

Тасаввур қилинг: 1960 йилда шахримиз бир кеча-кундузда 250000 кубометр сув истеъмол қиларди. 1980 йилга келиб бу ра-

шу сабабли ҳам барчамизнинг муҳаббатимиз чексиз эди у кишига. Меҳмон аканинг номи ҳамisha барҳаёт дегим келади. У кишининг эзгулигини, меҳрибонлигини фарзандларида, шогирдларида, бирга ишлаган ҳамкасбларида кўраман. Меҳмон Хўжаев билан бирга ишлаганларнинг ҳаммасига у

Мавлудаконлар ҳам худди отамдек яшашга интиладилар. Шундай яшадик, кам бўлмадик. Бу билан доимо отамизнинг руҳини шод этдик, деб ўйлайман.

Отам оилага жуда меҳрибон эдилар. Эсимда, онам Мухаррама ая оғир дардга чалиниб ётиб қолдилар. Кўрсатмаган шифокоримиз қолмади. Лекин дадам раҳматлининг меҳри туфайли онам соғайиб оёққа турдилар.

Отам шунча ишлаб, чарчадим деганларини сира ҳам эслолмайман. Айниқса, зилзиладан кейин жуда ҳам ташвишлари кучайиб кетди. На тастилни, на дам олиш кунини билардилар. Мана шу меҳнатқашликлари учун ҳам ҳаммининг иззатига сазовор эдилар.

Маҳалладак, отамнинг хурматини оддий сўз билан айтиб беролмайман. То уйга келгунларича салом-алиқдан бўшамасдилар. Кимнинг қандай юмуши бўлса, ўшани битириш учун елиб-юғардилар. Кимга кўмак бўлса отамга келиб учарди, кимга дўхтир керак бўлса отамга мурожаат қилишарди. Мен бундай қилолмайман дейиш отам учун ёт эди.

Отам ёниб яшадилар. Бировларга яхшилик қилиш уларнинг маслағи эди. Бизга ҳам у кишининг меҳрибонлиги мерос бўлиб қолди. «Сен Меҳмон Эшоновичнинг фарзандисан» деган сўз мен учун, ака-опаларим учун ҳаётдаги энг катта мукофот деб ўйлайман...

Хиёбондан ўтаётганимизда митти фавворалардан зилот сувлар пориллаб отилиб кетди. Унга боқиб, дилимизда ажиб ором туясиз. Шундай лаҳзаларда кечаю кундуз тиним билмайдиган сувсозларни ҳам эслаб қўйинг. Шунда шахримизнинг фидойи фарзанди Меҳмон Эшонович Хўжаевнинг ҳам руҳи шод бўлади.

Толиб САЪДУЛЛАЕВ.

СУВДЕК АЗИЗ ИНСОН ЭДИ



кам бир неча баробар ошиб кетди. Янги сув иншоотлари қуриш, эскиларини тиклаш зарур эди. Меҳмон Хўжаевнинг табдиркорлиги, ишбилармонлиги, айниқса, мана шунда яққол кўзга ташланди. Қибрай, Сергели, Бўзсав сингари сув ҳавзаларининг бир маромда ишлашида Меҳмон аканинг ҳиссаси катта.

Кўл остидагиларни ҳаммасининг исми-шарифини, оилавий аҳволини, қайда туришини яхши биларди. Кимга машина керак, кимга уй керак, ким нимага муҳтож — ҳаммаси у кишига аён эди. Ҳамisha ўзгалар ташвишида куйиб-пишиб юрарди. Хар бир ишчи билан худди ўзининг фарзандидек сўзлашар, уларни кадрлар эди.

кишининг меҳрибонлиги, инсофлиги, адолатпарварлиги, айниқса, фидойилиги «юққан».

Тошкентнинг бош мироби Меҳмон ака ҳаёт бўлганларида 80 ёшга тўларди. Лекин унинг яхши номи барҳаёт. Шунинг ўзи тириклик эмасми?! — Отамизнинг муборак номларини эшитганимда юрагим тоғдек кўтарилади. «Отанг менга бундай яхшилик қилган», «Отанг Меҳмон ака менга ҳам кўп оталик қилган» деган илик сўзларни эшитганимда, — деб сўз бошлади Меҳмон Хўжаевнинг қизи шифокор Хўжаева, — раҳматлик отам кўз ўнгимда намоён бўладилар. «Сен ҳам мендек яша» деб ўғит бераётгандек туюлади. Акам Ақром ҳам, опаларим Дилбархон, Жонхон,

ранглар ато қилмоқ учун келдим...

Хайрат аро тураверасиз, тураверасиз...

Эллика яқин суратларни томоша қилаётган одамларнинг биронтаси, «муаллиф нима демоқчи» демади. Ҳаммаси «қойил» дегандек бош силкиди.

Охири суратни кўриб бўлишим билан Ортикали жилмайиб ёнимга келди.

— Кўргазма учун раҳмат, — дедим ҳали ҳам таассуротлардан қутулолмай. — Яхлит бир тасаввурга эга бўлдим. Ранглар, рангларангиз дунёи жуда ёрқин...

Томошабинлар бирин-кетин Ортикали Қозоқовни табриклашар, миннатдор бўлишарди. Энг охири томошабин ҳам ўз қувончини изҳор этган дедим:

— Менга хайратим ошенинги кўрсатингиз.

— Қаерда экан у? — Хайрон бўлди мусаввир.

— Мўйқаламингизда. Мўйқаламингизда хайратлар жуда ҳам кўп. Улар матога кўчганда, эл мулкига айланганда барчани хайратга солади.

Ортиқали йўқ демай мўйқаламини кўрсатди. Олдинги мўйқалам. Лекин у кўзимга хайратлар ошени бўлиб кўринди. Ҳали қанча хайратлар унда яширин экан. Ҳали яна бизга қанча ажайиб хайратлар улашар экан.

— Аслида хайратлар ошени юрагимда, — деди Ортикали охишта, — юрагимдаги хайрат рангларга кўчган. Ранглар эса юртимнинг гўзаллигидан. Аслида хайрат ошени — меннинг Ватаним!

Ўзбекистон Бадий академиясининг олтин медали соҳиби, серкира ижодкор, истеъдодли мусаввир Ортикали Қозоқовнинг сўзлари чин юракдангизга вужудим билан ишондим...

Темур УБАЙДУЛЛО. СУРАТЛАРДА: Ортикали Қозоқов асарлари кўргазмасида.

Рустам Шарипов олган суратлар.



Санъат

ХАЙРАТ ОШЕНИ



Хайратларнинг чеки бўлмаса керак бу дунёда. Сиз учун оддий туюлган атиргул мусаввир учун хайрат тимсоли бўлса ажаб эмас. Сиз ҳар кун кўриб эътибор бермай ўтадиган чинор бешикчи учун хайрат чашмаси эканлигига шубҳам йўқ.

Мўйқаламдан томиган хайрат-чи? Сиз шундай хайратга тушганимиз? Аслида энг буюк хайрат шу бўлса керак.

Ортиқали Қозоқов деганда ўзбек тасвирий санъатининг навқирон бўғинининг бир вакили кўз олдимизга келади. Лекин у ёш бўлишига қарамай ўзининг қатъий сўзини айта олган рассомдир. Таъбир жоиз бўлса тасвирий санъатимизга янги бир оқим, янги бир тасаввур олиб кирган ижодкордир.

Кўплар каби мен ҳам фантастикага, саргузаштга жуда ҳам ўчман. Тохир Малик, Ҳожиакбар Шайхонинг қисса ва романлари, Айзек Азимов, Рэй Бредбернинг ақл бовар қилмас даражадаги ижоди жону дилим. Шундай бўладики, асар қаҳрамонлари билан бирга яшай бошлайман. Анча кўнгалча ўша гаройиб одамларни кўргандек бўлавераман.

Истеъдодли рассом Ортикали Қозоқовнинг Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида ташкил этилган кўргазмасини томоша қилиб мен шундай ҳолатга тушдим. Асарлар оддийгина туюлади. Лекин улар сирлар пардасига ўралгандек. Асарни қанча таҳлил этсангиз, унинг сир пардалари шунчалик кўп кўтарилаверади.

Аёл нимага ўч — зеб-зийнатга ўч. «Зеб-зийнатлараро» деб номланган суратда Ортикали гўё халқимизнинг зебу зийнат бобидаги маҳоратини тасвир этмоқчидек. Бир қарашда шундоқ, Лекин гўзал келин-чаканинг қўлғидаги исиргага яхшилаб қарайлик... Тасаввуримизда кимнингдир қўли уни пайпасламайптими? Хар битта мошдеккина кўзларини қандай қилиб жойлаштирди экан? Зебигардон-чи? Тиллақош-чи? Епирай, битта зийнатни бе-заш учун бир умр камлик қилмасинми?

Ана шунда ўзбек деб аталган халқнинг қанчалар буюклигини ҳис этасиз. Хар битта уста кўзингизга севғардек кўринади. Рассомга қойил қоласиз. Аслида ижоднинг юл-

дузли онлари шу эмасми?

Кўргазмадан Ортикалининг Бехзод ҳақидаги сурати ҳам ўрин олган. Уни фақатгина гўзал бир газал деб аташ мумкин. Устод мусаввирнинг мўйқаламига ҳумо қўниб турибди. Унинг хар бир навоси гўл бўлиб, ранг бўлиб тўқияпти. Бехзод эса уни олиб, ўз асарига ишлатапти...

Деди ҳумо: «Оғил қўшиқчидан ранг»

Деди Бехзод: «Қай рангдодир оҳанг?»

Деди ҳумо: «Патларим кўр, камалак».

Деди Бехзод: «Сен қуш эмас, бир малак».

Лутфингдан турфа ранг нурлар ёғилур.

Нурлардан қаламга

дурлар ёғилур.

Мен эрсам дурларни

терурман бешик,

Чизгиларда халққа берурман бешик».

Бехзод бошини кўтариб, қўша қарайди:

— Нечук бу лутфинг, ази-зим? Бу ҳимматининг боис-си нечукдир?!

— Аё мусаввир, — деди ҳумо. — Менинг қандайлигимни одамлар билмаслар. Мен кимни хушласам анга жилва қилурман.

— Мени хушлармусан? — шодланди устод.

— Албатта. Сен бутун умрингни тасвирга бахшида этдинг. Сенга нурдан, оҳангдан

Тошкент шаҳар йўловчилар ташини транспорт корхоналари давлат уюшмаси «ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» чипта сотувчиларни ишга таклиф этади.

Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 6-8 минг сўм. Бир йилдан ортиқ иш стажига бўлганларга ҳар ойда тариф ставкасининг 20 фоизидан 50 фоизгача миқдорда устама ҳақ тўланади. Шаҳар йўловчи транспорти чипта сотувчилари имтиёзли нафақага чиқиб, даромадлардан имтиёзли солиқ тўлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

Маълумот учун телефон: 34-84-19, 34-82-33.



Ғазалхонлик

КЕРАК БЎЛСА

Заминга тонг салом бергай, абад такрор, керак бўлса, Дилимга нур бўлиб қиргай, зиё ҳамкор, керак бўлса.

Қуёш борки, ҳаёт бордур, ҳаёт борки, муҳаббат бор, Муҳаббат қасрини кўргай, мовзий-си зол, керак бўлса.

Қўшми қўларинг мўлдир, нечун лоқайдсаней эй, дил? Панжа урсанг, тошқоқ сой ҳам, гарқ мевазор, керак бўлса.

Боболар ёдини алақаб «ду» жаҳон созини чертил, Ва лек мудраб басир бўлма, Ватап гўлзор, керак бўлса.

Ногаҳон паронадурким, бошга қўй, Ҳумой қуши, Икки жаҳон бўстони шул, буюк сардор керак бўлса.

Саратонда қўйса тананг, сут-қатқини даво дерлар, Меҳнат аро қўйса, қўйсин, минг жон нисор, керак бўлса.

Фақат бир дард табибсиздир, сутли дарёда сузсанг ҳам, Муҳаббат офтоби урса, қони озор, керак бўлса.

Муҳаббат офтобини ким, забтига жонин тикса, бас, Турсун каби ёниб ўтгай, боқий баҳор керак бўлса.

ЎЗГАЛ

Шамс ила ёрқин бу дунё, оқшом туни шамдан гўзал, Арзи-ҳал этса нигорим, жуфт кўзлари намдон гўзал.

Менку шамнинг нуридан ҳам, шамси анвар киби ёғум, Иштиқо топмас забоним, гўлт гўзал тандан гўзал.

Дайир саҳида то бормен, шамистонга топингаймён, Азал ҳужмида бор эрса — борми аҳд-паймондан гўзал?

Қадр туни қайсарга, гар насиб бўлмаган бўлса, Олам кемтик дунёида, ишқ тўласа, армондан гўзал.

Дилбарим бошга тож ўди, сен менинг руҳимга тожсен, Илм уммонда гарқсен, минг саводи қамдан гўзал.

Раҳнамо ким, кўнгли поклар раҳнамодир ҳар замон, Ой киби туни қўшиқдан, сочган зиёлардан гўзал.

Васли ишқинг суратин, чизмоққа «ду» дунё керак, Ақлу ҳуш учса бошимдан, ҳижрондаг ғамдан гўзал.

Гарчи бошинг кўҳда-ю, ердан оёгинг узмагил, Айланмиб ўргўласа йўқдур, Турсун Мухаммадан гўзал.

Турсун МУҲАММАД.

Бека

МАСПАХАТПАР

Пешонангизда ажинлар тўпланса, эрталаб уйонганингиздан сўнг ўриндан турмасдан 5-6 лаҳза мобайнида қовоқларни қаттиқ юминг, кўрсаткич бармоқларингизни қош усти ёйига қўйинг, кўзларингизни 4-5 лаҳза катта очинг, бу машқни 8-10 марта такрорланг. Бир неча кундан сўнг пешонада ажинлар тўпланмайдиган бўлади. Пешонага озиқлан-тирувчи ёғли крем суртинг, устидан бир бўлак мумкоғоз ёпинг-да, бинт билан боғлаб қўйинг. Боғлов қанча кўп турса шунча яхши. Бу усул камида 15-20 марта такрорланганда фойдалидир. Ажинлар изини юмшатиш учун юзингизнинг хотиржам, мулозим ҳолатда бўлишига ҳаракат қилинг, жим турган пайтингизда тишингизни бир-бирига қаттиқ босманг.

Иш пайтида кўзингиз талса, яхши узи-лган бодрингнинг икки паррагини қовоқларингизга босиб туринг. 15 дақиқадан сўнг ўзингизни анча енгил ҳис қиласиз.

Ванна қабул қилиш олдиндан бир стакан сув ичинг: бу терлаш жараёнини тезлаштиради ва теридаги тешикчаларнинг тозаланишига ёрдам беради.

Гўзал ХОЛИҚОВА тайёрлади.

Бош муҳаррир
Уринбосари
Солиҳ ЁҚУБОВ

Анжуманлар

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

«Экосан» халқаро жамоатчилиги «Мустақиллик, экология ва саломатлик» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Истиқлолимизнинг 7 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур учрашувда ҳукуматимизнинг республикада экология ва саломатлик кўнларини ўтказиш ҳақидаги фармойишини баҳарган ҳолда аҳолига қўлай экологик яшаш шароитларини яратиш масалалари муҳокама этилди.

Моҳира КАРИМОВА.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент универмаги» ОАСИЧЖнинг Кузатув кенгаши 1998 йил 22 сентябрь соат 10.00 да жамият акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилишини маълум қилади.

КҮН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлик жамиятининг Низом фонди миқдорини кўпайтириш ҳамда «Тошкент универмаги» акциядорлари пакетини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 701-К-ПО-сонли буйруғига мувофиқ ҳолда қайта тақсимлаш тўғрисида.

2. «Тошкент универмаги» ОАСИЧЖ Низомига ўзгартириш ва тўлдиришлар киритиш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 1998 йил 21 августта бўлган маълумот асосида тузилади.

Акциядорлар ахборот ва кун тартибидagi материаллар билан 10 сентябрдан бошлаб ҳар кун (акшанбадан ташқари) соат 10.00 дан соат 12.00 гача Кузатув Кенгаши раисининг хонасида танишишлари мумкин.

Ранс хонаси универмаг маъмурий биносининг 1-қаватида жойлашган. Йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш 1998 йил 22 сентябрь соат 9.00 да бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шохқўчаси, 17-уй. «Тошкент универмаги» ОАСИЧЖ биноси, 4-қават, «Шон-шухрат» хонаси.

Рисовая бозори теграсида 7 сотихли участка
СОТИЛАДИ
Тел: 92-06-64. Соат 21.00 гача кўнғирок қилиш мумкин.

ТАШКИЛОТ КҮЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— **Ҳисобчи.** Шартли талаблар: олий иқтисодий маълумот, компьютерда ишлашни билиши ва камида 5 йил иш стажига эга бўлиши шарт.

— **Техник таъминот бўлимининг бошлиғи.** Шартли талаблар: олий техник маълумот, давлат тилини, компьютерда ишлашни билиши ва камида 5 йил иш стажига эга бўлиши шарт.

— **Иктисодчи.** Шартли талаблар: олий иқтисодий маълумот, давлат тилини, компьютерда ишлашни билиши ва камида 3 йил иш стажига эга бўлиши шарт.

— **Алоқа бўйича муҳандис.** Шартли талаблар: олий техник маълумот, давлат тилини, компьютерда ишлашни билиши ва камида 2 йил иш стажига эга бўлиши шарт.

— **Муҳандис-электрончи.** Шартли талаблар: олий техник маълумот, давлат тилини, компьютерда ишлашни билиши ва камида 2 йил иш стажига эга бўлиши шарт.

Тел: 136-75,20; 56-79-00.

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъинларни, таваллууд кўрсаткичи, тўйлар, юбилейлар мунсабабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ухшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шонли ва акшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 136-28-25.

Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КҮЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

